Istiqlol va imkoniyat

# ЯРАШУВ – ЭЗГУЛИК КАЛИТИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов айни шу масалаларга эътибор қаратиб, **қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлаётганини** алоҳида таъкидлади.

Халқимизнинг табиатига мос келадиган мана шундай усулдан фойдаланиш ўтган давр мобайнида **26 мингдан ортиқ кишини жиноий жавобгарликдан озод қилиш** имконини берди.

2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун асосида ярашув институти жорий этилган эди.

Бу жараёнда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни тугатади. Энг муҳими, бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган деб ҳисобланмайди.

Шу билан бирга, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш принциплари кўпроқ қўлланилишига имкон яратилди. Кўриниб турибдики, давлатимиз йилдан-йилга қонунга хилоф иш қилган фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш чоғида инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, адолатни қарор топтириш ва уларга ножўя хатти-ҳаракатларидан тегишли хулоса чиқариб, ахлоқан тузалиш йўлини тутишлари борасида қайғурмоқда.

Ушбу қонун асосида киритилган асосий янгилик, юқорида таъкидланганидек, ярашув институтининг жорий қилинишидир. Амалиётда бу усул умуминсоний қадриятларга, халқимизнинг тарихий анъаналарига асосланганлиги, бағрикенглик ва инсонпарварликни ўзида мужассам этганлигини исботлади.

Айтиш жоизки, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши лозим. Аризада етказилган зарар бартараф этилганлиги, шунингдек, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт. Бундай ариза суд муҳокамаси ўтказилаётган пайтда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришиши лозим. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин. Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиради. Ярашув институти шахсларнинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир етмаслиги ҳамда жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратяпти. Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳоллари ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни ўз ичига олади. Енгил тан жароҳати етказиш, туҳмат, ҳақорат қилиш, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш кабилар шулар жумласидандир.

Бир-бирини билиб-билмай ҳақоратлаган, қўл кўтарган кимсалар аксарият ҳолларда эртасигаёқ пушаймон бўлади. Масалан, икки овсин болалари устида жанжаллашиб қолган. Улардан бири жаҳл устида иккинчисига тан жароҳати етказган. Бир қарашда — оилавий можаро. Лекин қонун нуқтаи назаридан қараганда, бу — жиноят. Яқин қариндошларнинг судлашуви ёки кимнингдир қамалиши оила муҳитига, фарзандлар тарбиясига жиддий таъсир ўтказиши турган гап. Шуларни ўйлаб, улар бир-бирини кечириб, тезда ярашиб олишди. Бу жараён қонуний асосда якунига етказилди.

Яна бир мисол. Пойтахтимиздаги жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судида кўрилган бир ишда судланувчи Қудрат Мирзабоев турмуш ўртоғи Нилуфар Мирзабоева билан жанжаллашиб, хотинига тан жароҳати етказган. Бир нафар фарзанди бўлган бу ёш оила арзимаган сабаб билан жар ёқасига келиб қолган. Иш шу тахлит давом этиб, оила бошлиғи жазога тортилса, аёл бева, фарзанд тирик етим бўлиб қолса, бу аввало, уларнинг ўзларига, қолаверса, жамиятга қанчалик зарар келтиришин тасаввур қилиш қийин эмас. Яхшиямки, иш бундай тус олмади. Ярашув имконияти оилани асраб қолди.

Айни шундай ҳолларда ярашув фуқароларнинг жонига аро киряпти. Негаки, бу жараёнда оила деб аталмиш муқаддас қўрғон дарз кетиши, фарзандлар қаровсиз қолиши, йиллар бўйи бир-бирига адоват сақланишининг олди олинади. Ахир, ярашув пайти айбдор жабрланувчидан кечирим сўраши, етказган зарарини тўлаши адоватни йўқотиши баробарида қилмишидан пушаймон бўлишига ҳам олиб келади. Демак, ярашув фуқароларимизни фақат яхшиликка етаклайди.

2004 йил 27 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунга кўра, юртимизда бундай хайрли якун топаётган ҳолатлар кенгайди. Зеро, ярашув институти аввал 26 турдаги жиноятларга нисбатан қўлланилган бўлса, мазкур қонун асосида яна тўртта модда ушбу тоифага киритилди.

Маълумки, илгариги қонунга кўра, ярашув муқаддам судланган, судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган шахсларга нисбатан жорий этилиши мумкин эмас эди. Қонундаги бу чеклашлар ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда анча муаммолар ва эътирозларга сабаб бўлаётганди.

2004 йил 27 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга кўра, жиноят қонунчилигидаги бу чеклашларга барҳам берилди. Эндиликда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларгагина ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланди.

Қонун талабидан кўринадики, нафақат судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки белгиланган тартибда олиб ташланиши, балки ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, судланганлик ҳолати тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахслар ҳам ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун билан шу тоифадаги ишларни юритишдаги асосий муаммолар бартараф этилиб, мустақил давлатимиз ва қонунларимизнинг инсонпарварлиги, кечиримлиги ва бағрикенглиги яна бир марта намоён бўлди. Жиноий ҳуқуқий муносабатлар янада эркинлашди. Қайта-қайта судланганлик ҳолатини юзага келиши кескин камайишига имконият яратилди.

**Мансур АҲМЕДЖАНОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**журналист**

Jamiyatimiz maqsadi

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ: САМАРА ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шундан сўнг дунё давлатларининг бу борадаги ижобий тажрибалари ўрганилди ва миллий давлатчилигимиз тарихий анъаналари, мустақиллик йилларида тўпланган тажрибаларимизга таянган ҳолда миллий давлатчилигимизнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган "**Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунлар, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида"**ги, "**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**"ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, янги таҳрирдаги "**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида**"ги қонун асосида демократик тамойилларга тўлиқ мос сайловлар ўтказилгани натижасида профессионал тарзда доимий фаолият кўрсатувчи Қонунчилик палатаси, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигини таъминловчи Сенат шаклланди.

Демократик қадриятларга мос ҳуқуқий давлат ва ижтимоий адолат тантана қилган фуқаролик жамиятини тўла шакллантириш йўлидаги энг долзарб масала аҳоли ҳуқуқий онги ва тафаккурини янада юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаётни, маънавий-ахлоқий соҳани ислоҳ қилишдан иборатдир. Ислоҳотлар жараёнида бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, "**Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури**" қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида аҳолининг ҳуқуқий билимларини давр талаби даражасига кўтариш, ҳуқуқий тафаккури ва дунёқарашини чуқурлаштириш ҳамда ҳуқуқ соҳаларини такомиллаштириш юзасидан талай тадбирлар амалга оширилдики, натижада фуқароларнинг интеллектуал даражасида сезиларли ўзгаришларга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кўп миллатли халқимиз, айниқса, истиқлол йилларида тарбияланиб камол топаётган ёшларнинг ҳуқуқий тафаккурида янгиланиш жараёни қарор топаётгани, янгича ҳуқуқий онг шаклланаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Илмий ва амалий билимларни пухта эгаллаётган ёш авлод академик лицейлар, коллежлардан тортиб, бакалавр, магистратура, аспирантурагача бўлган таълим босқичларда чуқур таҳсил олиш, эркин фикр юритиш, теварак-атрофда рўй берган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, менталитетимизга ёт ғояларга қарши жамоатчилик фикрини уйғотиш, умуман олганда, жамиятимизда соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эришишда фидойилик кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг қонунларда акс этган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш, ҳар бир инсоннинг эмин-эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, одамлар онгидаги эскича қарашлардан воз кечиш аниқ мақсадларга йўналтирган саъй-ҳаракат, тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг **"Независимая газета"** мухбири саволларига берган жавобларида "**мактабларда ҳуқуқий маданият дарсини жорий этиш ниятида**" эканини баён қилингани замирида ҳам ана шундай қутлуғ мақсад мужассамдир. Яъни жамиятимизда ҳуқуқий маданият юксалар экан, шубҳасиз, қонунларга риоя қилиш кучаяди. Зеро, ҳуқуқий маданият замирида нафақат қонун меъёрларини билиш ёки англаш, балки конституция, қонунлар, қонуности ҳужжатларидаги меъёрлар талабларини сўзсиз бажариш каби шартлар ётади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ёшу кекса, каттаю кичик, оддий фуқародан тортиб мансабдор шахсларгача қабул қилинаётган қонунларга ҳурмат билан қараб, ундаги қоидаларни кундалик ҳаётга оғишмай тадбиқ этиб, амалда қўллашга кўникма ҳосил этмас экан, жамиятда ҳуқуқий маданият тўла-тўкис шаклланмайди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилашдан, хусусан, мамлакатни модернизация қилишдан кўзланган бош мақсад — ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ҳокимият тармоқлари, давлат тузилмалари йўлида ғов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш орқали ҳар бир инсонга муносиб турмуш кечириш, ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, бир сўз билан айтганда, буюк келажакка интилишдан иборатдир.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

Mitti maslahat

# АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

**Инсон ҳаёти ҳар доим ҳам бир текисда кечмайди. Ҳар хил сабаблар билан баъзан эр-хотин ажралишиб кетади. Бундай ҳолатда қонунчилик фарзанд таъминоти учун ота тарафга моддий ёрдам — алимент тўлаш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, бу мажбуриятдан қасддан бўйин товлаган шахсга нисбатан ҳам жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 122-моддасида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб, 3 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик учун жавобгарлик белгиланган. Бу ҳолда айбдор энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёки 6 ойгача қамоқ билан жазоланади.**

**Бундан ташқари, Оила кодексининг 142-моддада ҳам алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг 1-қисмида айтилишича, алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ, алимент тўлаш шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Яъни алимент тўлаш мажбурияти бу ҳақда тузилган келишувда (Оила кодекси 130-моддаси) акс этган бўлиб, ушбу мажбурият алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан бажарилмаса, жавобгарлик келишувда назарда тутилган тартибда белгиланади. Шартнома асосида алимент тўлашга масъул бўлган шахснинг ўз вақтида уни тўлмаслиги оқибатида, яъни унинг айби билан маълум миқдордаги қарз жамламаси вужудга келса, унга нисбатан шу шартномада кўрсатилган жавобгарлик белгиланиши мумкин. Мазкур модданинг 2-қисми талабига асосан, суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент маблағининг ўндан бир фоизи миқдорида устама тўлайди. Алимент суд қарорига мувофиқ ундирилганида (Оила кодекси, 136-модда) ва алимент тўлашга масъул шахс томонидан унинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, бундай шахсга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган воситалардан бири ҳисобланган устама ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмай қолган алимент миқдорининг ўндан бир фоизи ҳажмида қўлланилади.**

**Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 14-моддасида кўра, агар алимент тўлаш мажбуриятини бузган шахс шу орқали даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарарни тўлашни талаб қилиш билан бир вақтда бой берилган фойданинг бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли экани баён этилган.**

**С.ЮСУПОВ,**
**НамДУ талабаси**



*Бунёдкорлик тимсоллари*

Muloqot

# "НАБИРАЛАРИМНИ СОҒИНДИМ..."

***1992 йилда ўғлимни яхши ниятлар билан ўзи ёқтирган қизга уйлантирдик. Улар йиллар ўтиб, икки нафар фарзандли бўлишди. Аммо оиласида тез-тез жанжал чиқиб турарди. 2003 йил 28 февралда уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган келинимиз анча-мунча мол-мулк, 3 миллион сўм пул ҳамда мактабдаги болаларини ҳам олиб кетиб қолди. Биз уни судга бердик, бироқ у судга бир марта келди-ю, бошқа келмади. Бир амаллаб болаларни ўзимизга қайтариб олдик. Шундан сўнг у дом-дараксиз кетди. Орадан бир йилдан ошиқроқ вақт ўтгач, яна пайдо бўлди ва болаларини қайтариб олиш мақсадида судга мурожаат қилди. Судда унинг даъвоси қаноатлантирилди, яъни болалар унга қайтариб берилди. Невараларимнинг бири 13, иккинчиси эса 12 ёшда. Мен уларни жуда соғинганман. Айтинг, уларни қарамоғимга олишим учун қандай йўл тутишим керак?***

**Ё.МИРШАРИПОВА**
**Хоразм вилояти**

**Ушбу саволга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА шундай жавоб беради.**

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 83-моддасида таъкидланишича, **суд боланинг манфаатларини ҳиобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.**

**Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.**

Бундай ҳолатлардан бири ота-онанинг болаларга нисбатан тарбияси ва уларнинг ахлоқидир. Суд болани ким тарафда қолишини отанинг ёки онанинг хулқ-атвори ва унинг болаларига таъсирини эътиборга олиши лозимдир.

Бундан ташқари, Оила кодексининг 76-моддасига мувофиқ, **вояга етмаган боланинг ким билан туриш масаласи никоҳни бекор қилиш талаби билан боғлиқ бўлмаган тақдирда боладан алоҳида турган ота ёки она томонидан даъво қилиш йўли билан судга мурожаат қилиш мумкин.**

Вояга етмаган боланинг ким билан яшаши масаласини қайта кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжуд бўлиб қолса, ота ёки онанинг, васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурорнинг талаби билан суднинг қарори қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Шунингдек, бу масала судда олдин кўриб ҳал қилинган, деган асосда даъво талабини қабул қилишни рад этиш мумкин эмас.

Демак, сиз бу масалани ҳал этиш учун қайта судга мурожаат қилишингиз керак.

Jahon tajribasi

# ЖАЗОНИНГ ШАФҚАТСИЗЛИГИ ЭМАС, МУҚАРРАРЛИГИ МУҲИМ

***Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти доирасида ўлим жазоси борасида турли фикр-мулоҳазалар авж олаётганлиги мазкур жазо турини ўрганиб, чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Шундай экан, жаҳон тажрибасида ўлим жазосининг тарихи, бу борада назариётчиларнинг фикрлари нималардан иборат ва жазонинг бу тури алоҳида давлатлар тажрибасида қандай қўлланилмоқда, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиийдир.***

Жазонинг бу тури тарихига тўхталадиган бўлсак, у кишилик тарихи каби узоқ даврларга бориб тақалади. Бундай жазо турли хилдаги жиноятларга, кўпроқ қотиллик, хиёнат, хоинлик каби жиноятлар учун қўлланилган. Бу жазони амалга ошириш шакллари эса одатда, тошбўрон қилиш, сувда чўктириш, осиш, бошини танасидан жудо қилиш, Европада омма олдида чормихга тортиш каби усулларда ижро этилган.

Хўш, инсоният тараққиётининг янги босқичи сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда жазонинг бу турига нисбатан қандай муносабатда бўлинмоқда?

Шуни айтиш керакки, бу борада дунё давлатлари тажрибаси турличадир. Жаҳондаги 90 га яқин давлатларда ўлим жазоси расмий равишда бекор қилинган бўлса, яна шунча давлатда ушбу жазо амалда қўлланилади. Жазонинг бу тури бекор қилинган давлатларда бир умрлик озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий қилинган.

Жазонинг бу тури хусусидаги дастлабки мунозаралар XVIII аср ўрталарида юзага келган. Италиялик таниқли файласуф Чезаре Беккариянинг 1764 йилда ёзилган "Trftto dei delitti e delle penel" ("Жиноят ва жазолар баёни") асари бу борада яратилган етакчи назарий манбаа сифатида тан олинади.

Албатта, жазонинг бу турини танқид қилувчилар уни шафқатсиз ва инсон қадри-қимматини камситувчи жазо сифатида таъкидлашса, ҳимоя қилувчилар эса уни бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги энг самарали усул сифатида қўллаб-қувватлайди. Бироқ жазонинг бу тури жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги таъсири ҳақидаги фикрлар асосли мунозарани келтириб чиқаради. Чунки сўнгги пайтларда ўтказилаётган ижтимоий таҳлиллар ва статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, кўп давлатлар тажрибасида ўлим жазосини жорий қилиниши жиноятчилик кўламини пасайишига олиб келмаяпти. Бу ҳақда Ч.Бекарриа ўзининг "Жиноят ва жазолар баёни" асарида шундай таъкидлайди: **"Жиноятчиликнинг олдини олишда жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги кўпроқ аҳамиятга эга"**. Яъни шахс содир қилмоқчи бўлган жинояти учун шафқатсиз жазо мавжудлигини эмас, балки жиноий қилмиш учун, албатта, жазосиз қолмаслигини англаши лозим. Шундагина жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги кураш самара бериши мумкин.

Жаҳондаги кўп давлатлар ўлим жазосини қўллашнинг чекланган тизимини ишлаб чиққан бўлса-да, мазкур жазо биринчи бўлиб 1846 йил АҚШнинг Мичиган штатида бекор қилинди. Шундан сўнг кейинги 20 йил ичида Венесуэла (1863), Португалия (1867) давлатлари ҳам жазонинг бу тури амалиётига расмий равишда чек қўйдилар. XX аср бошларига келиб, бошқа бир қатор давлатларда ҳам ўлим жазоси бекор қилинди. Бразилия, Монако, Исландия, Панама давлатларида эса ўлим жазоси расмий бекор қилинмаган бўлса-да, бу жазо мазкур давлатлар судлов амалиётида бутунлай қўлланилмайди.

1990 йилга келиб тарихда биринчи марта жаҳон давлатлари ўлим жазоси амалиёти бўйича тенг иккига бўлинди. 2000 йилга келиб эса, 72 давлатда ўлим жазоси расмий равишда тугатилган ва 13 давлатда мазкур жазо фавқулодда жиноятлар учун тайинланиши белгилаб қўйилди. Халқаро Амнистия Ташкилоти 23 давлатни ўлим жазосини "De Facto" бекор қилган давлатлар сифатида тан олди, чунки бу давлатлар қонунчилигида ўлим жазоси расмий мавжуд бўлса-да, сўнгги 10 йил мобайнида амалиётда умуман қўлланилмай келинаётган эди.

Бугунги кунда дунёнинг 87 давлати қонунчилигида мазкур жазо амалда бўлиб, ўта оғир ва шафқатсизлик билан содир қилинган жиноятлар учун қўлланилмоқда. Лекин баъзи давлатлар тажрибасида ўлим жазоси ўта оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, Ливия жиноят қонунида алкогол импорти ва хорижий валютада савдо қилиш учун ҳам ўлим жазоси назарда тутилган.

Халқаро Амнистия Ташкилоти маълумотларига кўра, 1999 йилда дунёнинг 31 давлатида 1813 марта ўлим жазоси ижро этилган. Унинг 85 фоизи беш давлат, яъни Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Конго Демократик Республикаси, АҚШга тўғри келиши таъкидланган.

Юқоридаги маълумотлар шундан дарак берадики, жазонинг бу тури амалиётини қисқартириш ва уни бекор қилиш борасида жаҳон ҳамжамияти ҳамда давлатларнинг ички сиёсати доирасида кўзга кўринарли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислоҳотлар инсонпарварлик нуқтаи назаридан жиноий жазоларни либераллаштиришга кенг йўл очиб берди. Биргина ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги ислоҳотларни шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Дастлабки босқичда, яъни Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр) қабул қилинган даврда 13 моддада ўлим жазоси белгиланган эди. Унгача амалда бўлган собиқ иттифоқ даври Жиноят кодексида 30-моддада ўлим жазоси назарда тутилган эди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи 1998 йилга тўғри келади. Бу даврга келиб Жиноят кодексининг яна 5-моддасидан ўлим жазоси чиқариб ташланди ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди.

2001 йил 29 августда маъмурий ва жиноий жазолар тизимини либераллаштириш юзасидан қабул қилинган қонунга мувофиқ Жиноят кодексининг фақат тўрт моддасида, яъни қасддан одам ўлдириш, агрессия, геноцид, терроризм жиноятлари учунгина мазкур жазо қўлланиши белгиланди.

Бугунги кунда эса 2003 йил 14 декабрда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Жиноят кодексининг фақат икки моддасида, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун ўлим жазоси қўлланилиши қайд этилди. Лекин мазкур жиноятлар учун ҳам суд амалиётида ўлим жазосини қўллаш кўламини қисқартириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш борасида янги бир ислоҳотлар амалга оширилиши таъкидланди. Бундан шу нарса англашиладики, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади — босқичма-босқич ўлим жазосини Ўзбекистон Республикаси жиноий жазолар тизимидан бутунлай олиб ташлашга қаратилган. Албатта, бу ўз навбатида мамлакатимиз ҳуқуқшунос назариётчилари ва амалиётчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

**Воҳиджон ЎРИНОВ,**
**магистрант**

Jinoyat va jazo

# ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

СУД ОЧЕРКИ

Ёз кунларининг бири. Вақт ярим кечадан оққан. Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоғидаги О.Кўчқоров ва Б.Мирзааҳмедов номидаги кўчалар кесишган чорраҳа бўйида қора рангдаги "Волга" автомашинаси тўхтаб турар, унинг ёнида бир ёш аёл қўл кўтариб онда-сонда ўтиб турган машиналарни тўхтатишга уринар эди. Шу пайт унинг ёнига "Дамас" машинаси келиб тўхтади.

— Илтимос, бизни "Дўстлик" ширкат хўжалигига олиб бориб қўйинг, йўқ деманг, жуда кеч қолиб кетдик, — деди аёл ниҳоятда безовта овозда.

"Дамас"ни бошқариб келаётган йигит, "хўп" дегандек бош силкитди.

— Э, раҳмат сизга, — деди аёл ва орқасига ўгирилиб, қора "Волга"нинг эшигини очди.

— Салима, юринг, уйимизга кетадиган бўлдик.

"Волга"дан ёшгина қизча тушди ва улар шоша-пиша "Дамас"га чиқиб ўтирдилар.

— Мен асли шу ерликман, — деди жувон, — "Дўстлик" ширкат хўжалигидан, Жиззахга келин бўлиб тушганман, онамни кўриб кетмоқчи эдим. Машина бузилиб қолганлиги учун Янгийўлга кеч етиб келдик. Бу ерда "Волга"ни тўхтатиб, ДАН масканигача олиб бориб қўйишни илтимос қилувдик, рози бўлди. Яхшиям сиз келиб қолдингиз, бўлмаса, қайинсинглим билан, — у ёнидаги қизчага ишора қилди, — роса қийналар эканмиз.

Бироқ ёш жувон — Наима (исмлари ўзгартирилган) бир нарсани, яъни "Волга"да ўтирган бир йигит уларга шилқимлик қилгани, кейин у ер-бу ерга кириб чиқай деб машинани орқага ҳайдаттиргани, йўлда яна бир неча жойда тўхтаб қандайдир жойга кириб чиққани, чорраҳага етганда, ҳайдовчига қараб энди "Авангард"га ҳайданг, деб буюрганида у ёққа бормайман, деб автомашинасини тўхтатгани, иккаласи жанжаллашиб қолгани, ўзлари Янгийўлга кеч етиб келгани етмагандек, шу йигитнинг у ер-бу ерга кириб чиққани туфайли яна бир соатча вақт йўқотганини айтиб ўтирмади.

"Дамас" ҳайдовчиси — Абдулла аёлга кўз қирини ташлаб унинг ҳомиладор эканлигини пайқади. Шу аҳволда йўлга чиққан бўлса, демак, бу ёққа келиши учун жиддий сабаб бордир, дея хаёлидан ўтди.

Шу чоғ "Волга"да ўтирган йигит — Давлат "Дамас" ҳайдовчисига синчковлик билан қараркан, тўсатдан уни таниб қолди ва машинадан тушиб, унинг ёнига келди.

Шуни айтиш керакки, Давлат саёқ юриб ўрганган, бунинг устига жиноят содир этгани учун қамалиб кетиб, яқиндагина уйига қайтган эди. У "Кўприкка бориб келайлик, ака, мен сизнинг ўғлингизни танийман, бир пайтлар менга тренерлик қилган. Бир оғайнимни қидираётган эдим, хизматингиз учун ҳақини яхши тўлайман деб, "Волга" эгасини кўндирган эди. У йўл бўйида турган Наима билан Салимани кўриб ови юришган тозидай типирчилаб қолди. "Бир хилват жойга олиб боролсам, маза қилиб кайф-сафо қилардим-да", деган фикр ўтди унинг хаёлидан. "Кейин бунақа жой "Авангард"да бор, кенг дала, кимсасиз, буларни ўша ерга олиб бораман", деб қатъий фикрга келди у.

У машинани қизлар турган жойда тўхтатишни сўради. Машина тўхташи билан пастга илдам тушиб қизларнинг қаерга боришини сўради. Сўнг уларнинг жавобига ҳам қулоқ солмай машина эшигини очиб, уларни ўтиришга таклиф қилди.

Машина юриши билан Наима билан Салимага шилқимлик қилишга тушди.

— Бугун бизникида меҳмон бўлиб кета қолинглар, эрталаб ўзим айтган жойингизга етказиб қўяман, — деди у Наиманинг билагидан ушлаб.

Наима қошларини чимириб билагини тортиб олди.

— Ака, "Авангард"га ҳайданг, хўпми? — деди Давлат машина эгасига.

"Кўприкка бориб келайлик"- деб машинасига ўтирган йўловчининг бир соатдан бери «ҳали у ёққа ҳайданг, ҳали бу ёққа ҳайданг» дегани ёқмай турган эди. Бунинг устига қизларга қилган шилқимлигидан кейин ҳайдовчининг ғазаби қайнаб кетди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

